



ҚҮЁШЛИ ЎЛКА ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Мамлакатимизнинг шимолий ғарбида жойлашган Хоразм вилоятининг ер майдони 6,1 минг м² ни ташкил этади. Бугунги кунда 1841,0 минг аҳолига эга ҳудуд ер тузилиши жиҳатидан денгиз сатҳидан 100–110 м баланд бўлган катта шимолий ва денгиз сатҳидан 120–150 метргача баланд бўлган чекка жанубий қисмга бўлинади.

Воҳа дунё цивилизациясининг энг қадимий бешикларидан бири ҳисобланиб, олимларнинг хулосаларига кўра, миллий давлатчилигимизнинг асослари ҳам дастлаб мана шу ерда барпо бўлган. Халқимиз маънавиятининг ноёб ёдгорлиги бўлган “Авесто” китоби ҳам Хоразм тупроғида яратилган. “Хоразм” сўзи ҳам илк бор ана шу ноёб китобда учрайди. Хоразм сўзи форсча “хвар” – қуёш ва “азм” – ўлка, ер, юрт

сўзларининг бирикмасидан келиб чиқсан бўлиб, “Қүёшли ўлка” деган маънони англатди.

Бу кўхна заминда истиқомат қилаётган аҳолига бугунги кунда сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш масаласи қайдаражада? Ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан халқ қониқяптими?


Бугунги кунда вилоядта “Оролбўйи минтақасини ривожлантириш” жамғармаси ҳам-

да тижорат банк кредитлари маблағлари ҳисобидан 343 та кўпхонадонли уй-жойларда таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан шаҳар ва қишлоқлардаги кўпхонадонли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли учун қулай яшаш шароитини яратиш, уларни қийнаб келаётган майший муаммоларни бартараф этиш бўйича кейинги

йилларда кенг күламли ишлар амалга оширилди. Жорий йилда ушбу мақсадларга Оролбүйи миңтақасини ривожлантириш жамғармаси томонидан 126,7 млрд. сүм маблағ ажратилди. Бундан ташқари күпхонадонли уйларга хизмат күрсатиш ширкатларига ҳам уйларни таъмирлаш учун кредитлар берилиши режалаштирилган. Ушбу маблағлардан самарали фойдаланишни назорат қилиш, ўз навбатида, ахолига сифатли ва кафолатли коммунал хизмат күрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш, күпхонадонли уй-жой фондини бошқариш борасида комплекс ёндашувни талаб этади.

Вилоятдаги мавжуд 1 249 та күпхонадонли уйни хатлов ўтказиш жараёнида бир, жумладан, Урганч шаҳрида 3 та, Янгиариқ туманида 1 та күпхонадонли бино бузилиши лозим деб топилган. Урганч шаҳридаги "Жинговуз" ва "Бўстон"



ҲАМКОР – МАДАДКОР

маҳаллаларидағи 79-, 33-үйлар мукаммал таъмирланиши ҳамда Янгибозор туманиндағи 3 та уйнинг ҳар биридан биттадан хонадон жорий таъмирланиши аниқланган.

Шаҳарнинг қоқ марказидаги 3 минг 183 нафар аҳоли яшовчи “Навбаҳор” маҳалласининг асосий қисмини кўп қаватли уйлар ташкил этади. Тоҳирбой Жуманиязов раислик қилаётган мазкур маҳаллада бузилган уйларнинг 50 фоиздан кўпроғи ўрнида янги уйлар қад ростлади. Улардан 13 таси эгаларига топширилди. “Янги Урганч Бунёдкори” ХУЖМШ тасарруфидаги 8 та кўп қаватли уй олдида болалар майдончаси ва ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароит яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янгидан қуриб битказилган ва қурилиш ишлари олиб борилаётган 15 та замонавий уй эгаларига топширилиш арафасида. Мазкур барпо этилган замонавий уй олдиларига брускаткалар ётқизилган, асфальт қилинган, газонлар экилиб, кўкаламзорлаштирилган. Шаҳар бўйича 6 минг донадан зиёд гул ва 3 мингга яқин мевали ва манзарали дараҳтлар экилгани эътиборга моликдир.

Айни пайтда аҳолига қулийликлар яратиш мақсадида вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси шаҳар ва туман бўлимлари ва ХУЖМШлар билан биргаликда кўпхонадонли уй-жойларни хатловдан ўтказиб, аниқ маълумотлар базасини юзага келтириш мақсадида “Обод уй” электрон дастури тизимиға 79 та ХУЖМШ, 24 минг 836 та абонент киритилган. Бу жами абонентлар миқдорининг 97 фоизини ташкил этади.

Хоразм диёри гарчи Амударё бўйида жойлашган бўлишига қарамай, ҳали-ҳануз аҳоли ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмаган. Шу боис,

ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, жорий йилда “Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 11 та обьектда 91,15 км ичимлик суви тармоқларини қуриш ва 9 та насос станциясини реконструкция қилиш ишларига 42,35 млрд. сўм маблағ ажратилган. Жорий йилнинг 11 июль ҳолатига унинг 14,95 млрд. сўми молиялаштирилган.

Бундан ташқари “Оролбўйи” жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминлаш ҳамда лойиҳани молиялаштириш учун Халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш чораларини кўриш белгиланганди. Шу йилнинг 10 май ҳолатига вилоятда жами 45 дона контурли хонадон ички иситиш қозонлари ўрнатилди. Шундан 13 донаси тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари, 32

этган ҳолда модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ишларини якунлаш ва белгиланганди. Шу йилнинг 10 май ҳолатига вилоятда жами 45 дона контурли хонадон ички иситиш қозонлари ўрнатилди. Шундан 13 донаси тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари, 32



бидан жами 53 та аҳоли пунктнида жами 373,48 км ичимлик суви тармоқларини қуриш ва 12,5 км ичимлик суви тармоқлари ва 6 та ичимлик суви насос станцияларини реконструкция қилиш ҳамда 1 та оқава суви обьектини қуриш учун 33,53 млрд. сўм молиялаштирилган.

Президентимизнинг ўтган йили 29-30 ноябр кунлари вилоятга ташрифи чоғида Урганч шаҳар марказий иссиқлик таъминоти тизимиға когенерацион технологияларни татбиқ

таси аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Ҳозирда қозонларни ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

“Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиринг компанияси” ДУК Хоразм вилоят худудий бошқармаси томонидан “Хонқа тумани марказидаги сув тарқатиш иншоотини реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида 6 км бўлган магистрал сув тармоғини қуриш, насос станцияси, сифими 3 000 м³ лик сув сақлаш



иншоотини реконструкция қилиш ва сифими 5 000 м³ сув сақлаш иншооти қуриш ҳамда трансформатор ўрнатиш ишлари кўзда тутилган.

Ушбу иншоотлар қурилишига молия вазирлиги хузуридаги Ичимлик ва оқава сув тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 13,731 млрд. сўм ажратилган. Лойиҳа-смета ҳужжатлари "Ўзбеккоммунлоҳиҳақурилиш" ДУК томонидан тайёрланган. Қурилиш-монтаж ишлари бош пурратчи ташкилот – ММЙС "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан амалга оширилмоқда. Жорий йилда ушбу обьектга 1,63 млрд. сўмлик пул маблағлари молиялаштирилган бўлиб, лойиҳа амалга оширилса, 57 минг 300 нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади. Режага кўра, мавжуд иншоотлар шу йил Мустақиллик куни шодиёналари арафасида фойдаланишга топширилади.

Шу ўринда "Хива шаҳридаги сув тарқатиш иншоотини реконструкция қилиш" лойиҳаси доираси-



да узунлиги 2 км масофадаги магистрал сув тармоғини қуриш, насос станцияси электролизлаш биносини реконструкция қилиш, сифими 5 000 м³ сув сақлаш иншооти ташқи ҳимоя деворини реконструкция қилиш ва трансформатор ўрнатиш ишлари ҳам жадал олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида мавжуд камчиликларни чуқур ўрганиш ва муаммоларни ўз

вақтида ҳал этиш ҳар бир соҳа мутахассисидан билим, малака ва ўз ишига масъулият билан ёндашишни талаб этади. Аҳолига сифатли ва кафолатли коммунал хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш учун, юқорида таъкидланганидек, комплекс ёндашув баробарида соҳада бошқарувнинг самарали механизмини йўлга қўйишимиз лозим.

**Нурбек ҚИДИРАЛИЕВ,
К.ҮЛМАСОВ.**